

ШОГИРДЛАРИ КЎП ИНСОН ЭДИ



Қизирик туманидаги «Сариқ шаҳарча» ветучастка бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган устоз Туропов Махмуд Пардаевич 63 ёшда вафот этди. Устознинг охиратлари обод бўлсин, фарзандларига сабр-қаноат тилаймиз.

Асли яккабоғлик бўлган акамиз самимий инсон эди, шогирдларидан маслаҳатини, одамларга қўлидан келган хизматини аямасди. У Ленинград ветеринария институтини ветеринария врач мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатгач, меҳнат фаолиятини Қизирик тумани ветеринария бўлимида бошлиқ ўринбосари лавозимида бошлаган эди. Сўнг 1999-2001 йилларда Қизирик туман ветеринария бўлими бошлиғи, 2001-2006 йилларда Сурхондарё вилояти ветеринария бошқармаси бошлиғи, 2006-2008 йилларда Сурхондарё вилояти чегара ветеринария назорати бошлиғи, 2008-2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги ветеринария бош бошқармасида масъул вазибаларда меҳнат қилиб, соҳамиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшди, юзлаб, минглаб шогирдлар орттирди. Ўзидан яхши ном қолдирган устозимизнинг охиратлари обод бўлсин.

Сурхондарё вилояти ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси жамоаси.

ТАЖРИБАЛИ МУТАХАССИС ЭДИ



Асли Пайариқ туманида туғилган ҳамкасбимиз Чалабаев Абдусамат Жавманович ҳаёт бўлганида 67 ёшга кирган бўларди. Шафқатсиз ўлим уни орамиздан олиб кетди. Самимий инсонни хотирлаб Қуръону карим оятларидан тиловатлар қилдик, ҳурмат билан тилга олдик, эзгу ишлари кўз ўнгимизда жонланди.

Абдусамат Жавманович 1978 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария факультетини битиргач, ҳарбий хизматга жалб этилади ва Афғонистондаги фуқаролар урушини кўради. Не бахтки, у урушдан омон қайтди, илмга меҳри туфайли дастлаб Ўзбекистон ветеринария илмий -тадқиқот институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. Сўнг ўзи ўқиб чиққан институтда дастлаб ассистент, сўнгра катта ўқитувчи лавозимларида 40 йил самарали фаолият юритди.

Абдусамат Жавманович билимдонлиги боис кўп йиллар давомида Зоотехния ва қоракўлчилик факультетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимида ва курс раҳбари сифатида фаолият олиб борди, жамоа меҳрини қозонди. Шу йиллар ичида у илмий ва ўқув -услугий қўлланмалар чоп эттирди, шогирдларига тўғри йўл кўрсатди. Шунингдек устозимиз янгамиз Турсуной опа Шерназаровна билан 5 нафар фарзандни тарбиялаб, барчасини олий маълумотли қилишди. Фарзандлари айна пайтда турли жабҳаларда оталари руҳини шод этиб самарали фаолият олиб боришмоқда.

Ўзининг меҳнатсеварлиги, билимдонлиги ва тиришқоклиги билан жамоа орасида юксак ҳурмат қозонган жонкуяр устоз, ёшларнинг меҳрибон мураббийси Абдусамат Жавмановичнинг охиратлари обод бўлишини Аллоҳдан сўраймиз.

Алишер Хушназаров, Самарқанд ветеринария медицинаси институти таянч докторанти.

ЖОНКУЯР ВЕТВРАЧ ЭДИ



Чорвачилик тумани саналган Қўшрабоддаги Қийқим деган қишлоқни кўпчилик билса керак. Бу ернинг одамлари қўй-қўзи, эчки-улоқ кўпайтиришга уста. Улар шу қишлоқда узоқ йиллар ветучастка мудир бўлиб ишлаган Толлибой Умаровни ҳурмат билан эсга олишмоқда. Чунки у ким чақирса йўқ демас, касал молни кўрганда имкон қадар уни оёққа турғазига интилар, мол эгасининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди. Шу боис уни сўроқлайдиган, илтимос билан эшигини қоқадиганлар кўп эди. Биласиз, қишлоқ ҳар йили ҳам чорвадорга, айникса, чўпонга осон бўлган эмас. Моли ҳасталанган киши эса ўзини буткул йўқотиб қўяди, ветврачга тезроқ келинг, молим ўлиб қолмасин, топган -тутганим шу, дейди. Ана шундай чақириқларга Толлибой ака об-ҳавонинг қандай бўлишидан қатъий назар йўқ демас эди.

Аслида тақдир экан, Аллоҳнинг буюргани шу, дейди қариялар. «Шовона» ветучастка мудир саналган акамиз ўтган йил 29 декабрь куни иш билан қўшни қишлоққа кетаётган маҳал автоҳалокатга учраб, оламдан ўтди.

Ҳамкасбимиз энди орамизда йўқ, аммо унинг ёрқин хотираси барчамизнинг юрагимизда сақланиб қолади. Илоҳим руҳлари шод бўлсин.

Қўшрабод туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими жамоаси.